



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ “ МИЛЛИЙ ҒОЯ , МАЪНАВИЯТ
АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ “ ЙУНАЛИШИ**

КУРС ИШИ

**МАВЗУ: Хулқ-атворда шахс маънавиятининг намоён
бўлиши**



Бажарди:Бойқулов.С

Текширди: Номозова К

Тошкент-2013

Хулқ-атворда шахс маънавиятининг намоён бўлиши

Режа

Кириш

1.Хулқ-атвор. Шахс маънавий қиёфасида хулқ-атворнинг ўрни.

2.Ўрта-Осиё алломалари қарашларида хулқ-атвор масаласининг ёритилиши.

3.Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришда юксак ахлоқий меёрларнинг ўрни.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги.

Маънавият, маънавиятнинг инсон ҳаётидаги ўрни, жамият тараққиётига таъсири ҳақида ярим бетча ёзинг, фикрингизни давом эттириб, Хулқ-атворда шахс маънавиятининг намоён бўлиши ҳақида ҳам ярим бетча фикр ёзинг (1,5 интервалда). Бугунги кунда ахлоқ, ахлоқий тарбия муҳим масала сифатида мамлакатмизда амлаг оширилаётган маънавий-маърифий ислохотларнинг туб моҳиятини ташкил этиши ҳақида сўз юритадиган бўлсак бугунги кунда ахлоқ, одоб тушунчалари тобора бугунги кунда долзарб аҳамият касб етмоқда шундай экан бугунги кунда биз ёшлар жамият пойдевори эканмиз аввало маънавий етук шахс бўлиб етишишимиз учун аввало одоб ва ахлоқ тушунчаларига катта етибор беришимиз зарур “шунинг учун ҳам ушбу курс иши мавзуси долзарб мавзудир”.

Мавзунинг мақсади хулқ-атвор, шахс маънавий қиёфасида хулқ-атворнинг ўрни, Марказий Осиё алломалари қарашларида хулқ-атвор масалаларининг ёритилиши ҳамда юксак маънавиятли шахсни шакллантиришда юксак ахлоқий меёрларнинг ўрнини илмий назарий жиҳатдан ёритиб бериш.

Мавзунинг вазифалари. Ҳар бир тадқиқот ишининг ўз олдига қўйган мақсади бўлганидек, ушбу курс иши мавзусининг ҳам ўзига хос вазифалари мавжуд, улар қуйидагилардан иборат:

- хулқ-атвор тушунчаси, шахс маънавий қиёфасида хулқ-атворнинг ўрнини илмий далиллар орқали изоҳлаш;
- Марказий Осиё алломалари қарашлари асосида хулқ-атвор масаласини ёритиб бериш;

- юксак маънавиятли шахсни шакллантиришда юксак ахлоқий меёрларнинг ўрнини аниқлаш.

1.Хулқ-атвор. Шахс маънавий қиёфасида хулқ-атворнинг ўрни

Ўзбекистонда халқ маънавий-ахлоқий меросининг жамият ҳаётидаги ўрни масаласига янгича қараш жамиятнинг тадрижий ривожланиши учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлиги тобора аён бўлиб бормоқда. Қадим даврлардан то ҳозирги замонамизгача яратилиб, авлодларнинг эзгу ишларига хизмат қилиб келган бой ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий меросимизни, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ўрганиб, халққа етказиш, келажак асосларини яратишга хизмат қилдириш муҳим вазифалардан бири бўлиб, улуг алломаларимизнинг ахлоқ, хулқ-одоб, таълим-тарбия масалаларига оид асарлари, доно ва ибратли сўзлари, панд-насихатлари ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. “Ахлоқшунослик” бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий фан. У бизда “Ахлоқ илми”, “Одобнома” сингари номлар билан атаб келинган. Европада эса “Этика” номи билан машҳур, биз ҳам яқин-яқингача шу атамани кўллар эдик. Бу термин дастлаб “манзилдошлик”, “*яшаш жойи*”, кейинчалик эса “*одат*”, “*феъл*”, “*фикрлаш тарзи*” сингари маъноларни англатган юнонча “*ethos*” сўзидан олинган бўлиб, тарихда биринчи марта Аристотель томонидан алоҳида фан номи сифатида ишлатилган.

Ўзбек тилида биз ишлатадиган “*ахлоқ*” сўзи луғавий келиб чиқишига кўра араб тилидаги “хулқ” сўзининг кўплик шаклини англатади. “Халақа” – араб тилида “*яратмоқ*”, “*пайдо қилмоқ*” маъносидаги феъл бўлиб, шу маънода Аллоҳ таоло “*Халлоқи олам*” яъни бутун борлиқнинг яратувчиси ҳисобланади. Араб тилида “*холиқ*” –

“яратувчи”, “махлуқ” – “яратилган” (яъни Аллоҳ таоло томонидан яратилган барча мавжудотлар, жумладан, инсон ҳам) маъноларини билдиради. “Хулқ” эса ана шу яратилган мавжудотлардан ҳар бирининг ўзига хос табиатини (табиий хусусиятларини) билдиради. Исломиёт минтақа маданиятида ахлоқ илми инсонларнинг табиий хислатларини яхши томонга ўзгартириб, ахлоқий фазилатларга айлантириш масаласини биринчи ўринга қўяди.

Маълумки, инсон ва жамият ҳаёти уч асосий соҳа – иқтисод, сиёсат ва маънавият йўналишларининг мураккаб чатишувидан ташкил топади. Шу пайтгача жаҳон илмида иқтисод ва сиёсат йўналишлари чуқур ўрганилгани ҳолда маънавият соҳаси алоҳида яхлит воқелик сифатида етарлича тадқиқ этилмади ва алоҳида фан сифатида шаклланмади. Бу соҳанинг муаммолари одатда ўзаро боғланмаган, чала-ярим ҳолда “Фалсафа”, “Рухшунослик”, “Жамиятшунослик”, “Тарбияшунослик”, “Диншунослик” каби қатор фанлар доирасида тилга олинди. Ушбу фанларнинг барчаси билан Европа илмида узоқ вақт кўпроқ файласуфлар шуғуллангани ва турли файласуфлар томонидан Борлиқ ҳақиқати турлича талқин қилингани туфайли бу фанларнинг ҳар бири аслида маънавиятга оид муаммоларга ўз асосий мавзулари нуқтаи назаридан ёндошиб, нотўқис хулосалар билан чекланишга мажбур бўлишган.

Шахс – ўз маънавий камолот имкониятларини юзага чиқара бошлаган инсон (Бу ҳодиса – ўзликни англаш деб айтилади. Шу маънода, Шахс – ўзлигини англай бошлаган инсон, дейиш ҳам мумкин). Инсон - маънавий камолот имкониятига эга бўлган моддий мавжудот (Инсоннинг ижтимоий мавжудот эканлиги ҳам унинг маънавий камолот имконига эга эканлигидан келиб чиқади).

Маънавият нуқтаи назаридан Шахс тушунчасига ёндошувимизда икки ҳолатни кўзда тутиш лозим:

1) биз ҳар бир ўзга инсонни Шахс сифатида қабул қилмоғимиз жоиз, чунки унга яратилишдан бу имконият Халлоқи олам томонидан

берилган. Ўзга инсон дилидагини биз билмаймиз, шу сабабли зоҳирий кўз билан ундан хатолар излашимиз, унда маънавий ноқислик кўришимиз Инсон одобига, маънавият талабларига хилофдир.

2) Ҳар бир инсон ўзини Шахс сифатида англаб экан, тинимсиз маънавий камолот имкониятларини юзага чиқариш, яъни ўзлигини англаш жараёнида бўлмоғи жоиз саналади. Бу жараён тўхтаган онидан унинг Шахс сифатидаги таназзули бошланади. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва ислохотлар натижасида, жаҳон цивилизацияси талабларига мос келадиган ҳамда миллий маънавиятимиз анъаналарига асосланган, янгича яшаш тамойиллари устуворлигини таъминлаш вазифалари ҳал қилинмоқда. Республикамиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилаб олди. Ўтган даврнинг синфий-партиявий мезонлари ва ҳукмрон мустабидлик мафкурасининг тамойиллари ўтмишга айланди. Уларнинг ўрнига янгича жамиятни, яъни демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини қуриш, жамият аъзоларининг мақсад-муддаolari, орзу-интилишлари ва келажак ниятларини ифодаловчи маънавий-ахлоқий ривожланиш структураси ва унинг омиллари шаклланимоқда. Бугун бу омилларнинг самарадорлигини оширишга мазкур жараёнлар асосидаги турли муаммоларни ҳал қилиш, турли вазифаларни ечиш билан боғлиқ бўлган масалалар долзарблиги билан ажралиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ халқимиз маънавий-ахлоқий меросини қайта тиклаш ва ундан жамиятни маънавий янгилашда унумли фойдаланиш зарурати туғилди. Чунки, “жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маърифий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Миллатнинг табиатида, қонида, насл-

насабида эзгулик ва маърифат сари интилиш мафкуриси ва қонуният
жўш уриши лозим.”¹

И.А.Каримов Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланган дастлабки кунлардан бери миллатнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига биринчи даражали эътибор қаратиб келмоқда. Ҳали шўролар тузуми мавжуд пайтидаёқ - 1990 йил 24 март Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистонда биринчи марта президент лавозими жорий этилиб, Ислом Абдуғаниевич Каримов ушбу лавозимга муносиб топилгач, Ўзбекистон Президенти *“халқни маънавий юксалтириш, инсонни ахлоқий ва маънавий юксалтириш” масаласи* давлат раҳбарининг энг муҳим вазифаларидан эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтган эди.² “Маънавият” сўзини юқори доираларда ишлатиш мутлақо урф бўлмаган ўша замонларда бу мутлақо янгича ёндошув, ўша пайтлар республика раҳбари учун катта жасорат эди.

Инсонга фақат атроф-воқелик ҳақида, одобу ахлоқ қоидалари ҳақида билим беришнинг ўзи унинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун етарли бўлмайди. Унда ирода қудрати, масъулият туйғусини шакллантириш, кўнглида атроф-табиатга, меҳнатга, касбга, илмга, ўзга инсонларга меҳр уйғотиш, дилида улуг мақсадлар туғилишига эришиш лозим. Масалан, тан олиб айтиш керакки, Ватан ёки Адолат туйғуси ҳақида китобларда ёзилганларни ўқиб чиққан одам дарҳол Ватаннинг қадрига етадиган, ёки Адолатга хиёнат қилмайдиган бўлиб қолади, деб тасаввур қилиш ўта соддалик бўлур эди. Ҳар бир инсон Ватан, Миллат, Адолат тимсол-тушунчаларининг ўз руҳидаги пойдор маънавий қадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратида синаши, бу йўлда риёзат чекиши, уларга нисбатан кўнглида меҳр уйғониши зарур. Бунга турли йўллар, турли воситалар билан, биринчи навбатда ёш авлод тарбиясига самимий (чин кўнгилдан) ва изчил ёндошув, тинимсиз изланишлар билан

¹ Каримов И.А. “Жамият мафкуриси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин”. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1998 й.

² И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т.-«Ўзбекистон»-1994, с. 65

эришилади. “Бизнинг улуг аجدодларимиз, - деб ёзади Президент, - ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тил билан айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли деб биламан.”³

Шу гапга кичик бир мисол:

Маълумки, имон-этикод маънавиятнинг умуртка поғонаси ҳисобланади. Халқимизда бировни “имонсиз” деб аташ энг оғир ҳақоратдир. Биз динимиз ислом деймиз, Қуръони каримда ёзилишича, Аллоҳ бани башарни ўзига ибодат қилиш учун яратган. Лекин кўпчилик исломий ибодатлар деганда, намоз, рўза, закот, ҳаж амалларини кўз олдида келтиради. Буюк тасаввуф пири Баҳоуддин Нақшбанд эса Расулуллоҳ (сав)нинг қуйидаги ҳадисини келтиради: “Ибодат ўн қисмдир, унинг ўндан тўққизи ҳалол ризқ топиш ҳаракати, қолган барча ибодатлар ўндан бирини ташкил этади.” Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Ғиждувонийларнинг пири муршиди ҳисобланган шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони” асарида Пайғамбаримизнинг яна бир ҳадислари келтирилади: “Мусулмон бўлмагунларингизча жаннатга кирмайсизлар, бир-бирларингизга самимий меҳр қўймагунларингизча мусулмон бўлмайсизлар.” Шу сабабли биз фарзандларимизга имоннинг асосий шарти ҳалоллик, адолат ва инсонга, табиатга меҳр деб уқдиришимиз, нафақат уқдиришимиз, балки шу йўлда ўзимиз ибрат бўлишимиз шарт.⁴

Президент китобида “инсон маънавий оламининг юксалиши” деганда нимани тушуниш керак, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб берилган: “Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш”⁵. Аммо муаллиф яна таъкидлайдики, ушбу қонидани тушуниш ва эътироф этишнинг ўзи кифоя эмас, балки айти шу этикодга

³ Шу асар, с.118.

⁵ Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч, с.25.

амал қилиб яшаш – “одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон”дир.

*“Такрор айтишига тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур.”*⁶ Президентнинг **хушёрликни йўқотмаслик, бепарво бўлмаслик** хусусидаги уқдиришларини тўғри тушунадиган бўлсак, бу дегани ёш авлодга тўғри таълим бериш билан бирга, ҳар бир айтган сўзимизга аввало ўзимиз риоя қилишимиз керак бўлади. Масалан, “илм ол” дедикми, ўзимиз умр бўйи илмимизни ошириб, пухталаб боришдан тўхтамаслигимиз керак; “ҳалол ва адолатли бўл” дедикми, ўзимиз фарзандларимизни ҳалол лукма билан боқаётганимизга, ўз фойдамизни кўзлаб бировга зулм бўладиган хатти-ҳаракатдан сақланишга қатъий уринмоғимиз лозим бўлади. Ана шундагина болаларимиз келажагидан хотиржам бўлишимиз мумкин.

Демак, хулоса қилиб айтганда, хулқ-атвор моҳиятан маънавиятнинг инсонлар аро муносабатларда намоён бўлишидир. Инсон илми ва имони, дунёқараши ва идроки унинг хулқида ўзига хос тарзда акс этиб, маънавияти ахлоқий фазилатлар сифатида зоҳир бўлади. Маънавият – ботиний қудрат бўлса, ҳар бир шахснинг ахлоқи ўзгаларга нисбатан муносабатида бевосита кўриниб туради. Шу сабабли хулқ-атвор инсоф ва адолат туйғуси, имон ва ҳалоллик каби маънавиятнинг ўзак тушунчаларини инсон амалий фаолиятида юзага чиқарувчи ҳодисадир. Маънавият - ўзликни англаш, деймиз. Ўзлигини англаб етган инсон - маънавий етук шахс ҳисобланади. Унинг бизга зоҳир бўлувчи барча инсоний фазилатлари қалбидаги маънавият нурининг жилоларидир. Ахлоқий қусурлар эса - инсоннинг кўнгил кўзгусидаги занг ва чиркларнинг ўзгалар нигоҳига намоён бўлиши. Бир жумла билан ифодалаганда, хулқ-атвор шахснинг ўзи учун, ўз қалбига қаратилган, дил

⁶ Шу асар, с.15.

кўзини ёритувчи нур, ахлоқ ушбу маънавиятнинг мазҳари, ўзгалар наздида намоён бўлувчи кирралари мажмуи, десак бўлади.⁷

2.Ўрта-Осиё алломалари қарашларида хулқ-атвор масаласининг ёритилиши

Инсон маънавий камолот имконига эга бўлган биз билган ягона моддий мавжудот. Шахс ўзидаги маънавий камолот имконини юзага чиқара бошлаган инсон. Демак, Шахс маънавияти ушбу соҳани ўрганишда асосий объект эканлиги ўз-ўзидан равшанлашади.

Шахс маънавиятини ўрганиш икки йўналишда бўлиши мумкин. Биринчиси, муайян шахс маънавиятини ўрганиш, иккинчиси, ушбу ходисанинг умумий жиҳатларини тасниф ва тадқиқ этиш. Имкон нуқтаи назаридан, биринчи йўналишда фақат айрим ходисаларни, масалан, ўтмиш ва бугуннинг умуммиллий аҳамиятга эга бўлган буюк шахслари маънавий дунёсини ўрганиш мумкин бўлиб, моҳиятан бу иш миллат маънавиятининг таркибий қисмларини ўрганиш демакдир. Чунки Миллат маънавияти, том маънода олганда, ушбу миллатга қайсидир бир тарзда алоқадор ҳисобланувчи ўтмиш, бугун ва келажакдаги барча шахслар маънавиятининг мажмуидан иборат. Ҳар бир шахс, ўзи буни чуқур идрок қиладими, йўқми - қатъи назар, бирор элат ё миллатга мансуб бўлмай иложи йўқ, ҳеч бир инсон элдан буткул ажралиб яшамайди. Президентнинг ғоятда ҳикматли ибораси билан айтганда, ҳар бир инсон “ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади”⁸. Бунинг маъноси, шахс маънавияти воқеликда миллат маънавиятидан айру, ундан ташқарида бўлмайди. Шундай экан, мавжуд аҳволни тўғри идрок этадиган бўлсак,

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида, Т.: «Ўзбекитон»,2011 йил.342 б

Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» Т.: «Ғафур Ғулом», 1993. 56 б

⁸ Каримов И.А. Асарлар. 1-жилд, с. 81.

миллат маънавияти ҳақида муайян тасаввурга эга бўлмай туриб, алоҳида шахс маънавиятини ҳам ўрганиш имкондан ташқари.

Билим - чексиз. Чунки воқелик – чексиз. Инсон руҳияти чексиз жилоларга эга, Борлиқ ҳақиқати асли беҳудуд. Демакки, ҳар бир шахс маънавияти икки карра бепоён ва чексиздир(агарчи мантиқий жиҳатдан чексизликнинг карраси бўлмаса ҳам). Миллат маънавияти ушбу миллатга қайсидир бир тарзда алоқадор ўтмишда яшаб ўтган, бугун яшаб турган ва келажакда яшайдиган ҳудудсиз бир миқдордаги шахслар маънавиятининг мажмуи бўлгани сабабидан 3 карра чексизлик даражасидаги ҳодиса сифатида тасаввур этилади.⁹

Инсонни таниш одобдан бошланса, у билан мулоқот давомида ахлоқий хислатларини била борасиз. Ваъдага вафо қиладими, дўстга садоқати қандай, ҳиммати ва саҳовати, журъати ва шижоати, ўқтамлиги ва орияти - барча ахлоқий фазилатлари бирма-бир кўз олдингизда намоён бўла боради. Бу фазилатлар мажмуи замирида эса яхлит шахс маънавияти нурланади.

Ахлоқ маънавиятга нисбатан сурат, ташқи жиҳат бўлса, одоб ўз навбатида ахлоқий фазилатларнинг юзага чиқишидир. Шу сабабли инсонни англаб етиш одобдан ахлоққа, ахлоқдан маънавиятга қараб теранлашиб боради. Аммо шу билан бирга ахлоқ одобга нисбатан, маънавият эса ахлоққа нисбатан кенг қамровли моҳиятлардир. Инсон одоби унинг барча ахлоқий фазилатларини намоён эта олмаганидек, шахснинг барча ахлоқий сифатларини бир ерга жам этганда ҳам барибир, унинг маънавий дунёсини тўлиқ қамраб олган бўлмайсиз. Асли маънавият Ҳақ нурунинг кўнгил кўзгусида акс этиши бўлганлигидан муайян маънода кўнгил эгасининг ўзига ҳам охиригача маълум эмасдир,

⁹ Каримов И. А. «Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» Т.: «Ўзбекистон», 1998.

Каримов И.А. «Миллий истиклол мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажигига ишончдир» Т.: «Ўзбекистон», 2000.

Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни -// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон.

ғайбга туташдир. Алломалар инсон кўнглини тилсим атайдилар. Кўнгил кўзгусидаги маънавият нури туфайли ҳар бир инсон ўзи сеҳрли тилсимга айланади, моҳиятан чексизлик касб этади.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асаридан юқорида бир парча келтирган эдик. Энди унинг давомига эътибор қаратамиз:

“... Офаринишдин қилиб инсон ғараз,
Они айлаб халқ ичинда безэваз.
Кўнглин онинг маҳзани ирфон қилиб,
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қилиб.
Рози махфий ганж ўлуб бу турфа жисм,
Сунъидин ул ганж ҳифзиға тилисм.
Ҳам тилисм ул маҳзан узра, ҳам амин,
Офарин сунъгунгға, эй жонофарин.
Айлаганда розининг ганжини арз,
Не само айлаб қабул, они не арз,
Ғайри инсонким қилиб они қабул...”¹⁰

(Мазмуни: Бутун оламини яратишдан мақсад Инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичида тенги йўқдир. Унинг кўнгли Ирфон хазинаси бўлди ва бу тилсим ичида Ҳақ ўзини яширди. Шундай қилиб, бу ажойиб жисм, яъни инсон вужуди махфий хазина сирини ўзида яширган ва ул хазинани сақловчи тилсимдир. Инсон ҳам бағрига хазина яширган тилсим, ҳам ул хазинанинг посбони, ишончли эҳтиётловчисидир.

Эй инсонга жон бахш этувчи, бундай яратган мўъжизангга офаринлар бўлсин! Ҳақ ўз сирининг хазинасини таклиф этганда, на ер, на осмон уни қабул этишга ботинмадилар, фақат инсонгина уни қабул этди...)

¹⁰ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Т., 1991, с. 19.

Демак, инсон кўнгли ирфон хазинаси, Ҳақ сирини ўзида яширган тилсим экан. Инсон шу сабабли буюкдир. Ирфон Ҳақ сирини қалб билан англаб етиш бўлиб, унга эришган шахс Ориф дейилади. Ҳақ сири Тавҳид маърифатидир. Бу олий ҳақиқатни бутун кўлами ва теранлиги билан тушуниб етиш осон эмас. Бунинг учун инсон атроф-воқелик, табиатга, ўзга инсонлар, башариятга, Ватан ва миллатга, ота-она, фарзанд, дўстга нисбатан ҳуқуқ ва бурчларини мукаммал англаб етмоғи, ўзининг ички қудрати ва салоҳияти, руҳияти, ирода ва ҳимматини қалбан ҳис қилмоғи зарур. Ҳар бир инсон бу ёруғ оламга, бу синов майдонига бир олий вазифа билан келган. Ўша асл вазифаси нима эканини топа билмаса, тушуниб етмаса, бу дунёдан нотаом ўтиб кетмоғи мумкин.

Дунёдан нотаом ўтмоқ баайни,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ -

деб огоҳлантиради улуғ шоир.

Мана шу ерда Кайкавуснинг “Қобуснома” ва Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарларидаги одоб-ахлоқ, ҳуқ атвор, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақидаги фикрларини ўқиб, чиройли қилиб ёзинг.

Хулоса қилиб айтганда, ёш авлодда ўз ҳаётига, оила аъзоларига нисбатан, Ватан ва миллат олдидаги, балки атроф-табиат, бутун курраи замин ва жами башарият олдидаги масъулият туйғусини шакллантириш бугунги кун педагогикасининг энг муҳим масаласи эканлигини барча қийинчиликлари билан рўйи-рост кўра билиш ва шунга яраша чоралар тизимини ишлаб чиқиш керак бўлади. Бу муаммони тўғри ечимига эришиш учун педагогик таълим соҳасида нималарга эътибор қаратиш ва

қандай ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини аниқлаб, уни ҳаётга жорий этиш ҳам талаб этилади.

3.Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришда юксак ахлоқий меёрларнинг ўрни

Юксак ахлоқий меёрлар нима, аввало, шуларни аниқланг, ундун кейин И. Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асари бўйича тайёрланган қуйидаги матнни жойлаштиринг:

Мавзу моҳиятини ёритиш учун Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарига мурожаат этамиз. Ислом Каримовнинг ушбу асарида айтилганидек, ахлоқий меёрларни ёш авлод онгига сингдиришнинг уч табаррук маконига алоҳида эътибор қаратади: уларнинг биринчиси –оила, иккинчиси – маҳалла, учинчиси – таълим-тарбия тизими. Агар шу уч маконда маънавий муҳит кўнгилдагидек бўлса, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади, агар улар таназзулга қараб кетса, бутун жамият ҳалокатга юз тутди. Афсуски, муайян сабабларга кўра бугунги кунда ҳар уч маконда ҳам муаммолар анча-мунча йиғилиб қолган ва уларни ҳал қилиш, ҳар уч макондаги маънавий муҳитни поклаш, вазиятни тўғри изга солиш йўлида бевосита Президентимиз жонқуярлиги ва ташаббуслари билан, халқимизнинг фидоий фарзандлари, айниқса, ҳақиқий зиёлиларимизнинг самимий уринишлари билан давлатимиз ва фаол жамоатчилигимиз катта ўзгаришларни амалга оширмоқда. Ҳали бу йўлда қиладиган ишлар кўп, аммо ҳозирданок бу саъй-ҳаракатларнинг самаралари борган сари ёрқинроқ кўзга ташланиб бораётганини ҳам мамнуният билан эътироф этиш мумкин.

“Биз, - дейди Президент, - иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз”¹¹. Чунки халқ маънавияти ўнглолмагунча, на ижтимоий-сиёсий жараёнларда, на иқтисодий соҳада жиддий янгиликлар қувватга кириши қийин.

Маънавият жуда мураккаб, серқирра, шу билан бирга халқ дилига ниҳоятда яқин, тушунарли ҳодиса. Уни, бир томондан, сохта «илмий» мураккаб таърифлар билан мавҳумлаштирмай, шу билан бир пайтда сийқа, одми «тарғибот»га айлантирмай, халқ онига тиниқ етказмоқ, ёш авлод руҳига эш қилмоқ лозим. Бунда қандай меъёрларга риоя этиш зарурлигини 1992 йилдаёқ Ўзбекистон Президенти аниқ тавсифлаб берган эди:

“Умуминсоний қадриятларга содиқлик;

Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

Ватанпарварлик”¹².

Мустақиллик маънавиятининг асосини ташкил этувчи бу тўрт негиз ўзаро чуқур ички уйғунликка эга. Шу билан бирга бугунги кун учун долзарблиги жиҳатидан алоҳида инсон шахсининг ўз ички имкониятларини эркин намоён қилиши масаласи биринчи ўринга чиқиб турипти. “Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир”¹³, деб таъкидлади И.А.Каримов 1999 йили 14 апрелдаги маърузасида.

¹¹ Каримов И.А. Асарлар. 3-жилд, с. 35.

¹² Каримов И.А. Асарлар. 1-жилд, с. 76.

¹³ Каримов И.А. Асарлар. 7-жилд, с. 381.

Китоб муқаддимасида муаллиф шундай деб ёзади:

“Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. ¹⁴Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.”

¹⁴ А.Гадойбоев, С. Раҳимов. «Олтин ўтда, одам меҳнатда тобланади»(савол-жавоблар).Т.: «Янги аср авлоди», 2003 йил. 23 б
«Тафаккур», «Мулоқот» журналларининг 2004-2010 йиллардаги нашрлари. 58 б

ХУЛОСА

Мустақил республикаимизнинг бугунги маърифий ва маънавий ҳаётида асрларга тенг сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Миллий анъаналаримиз ва асрий қадриятларимиз тикланмоқда, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни янада мустаҳкамланмоқда.

Халқимиз тобора ўзлигини англаб, мустақиллик пойдеворини мустаҳкамламоқда. Маънавий юксалиш борасида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳам бор. Ҳар бир давлатнинг истиқболи халқнинг фаровон осойишта ҳаёти, унинг эртанги куни, келажаги бўлмиш ёш авлод, умидли ўғил- қизлари билан бевосита боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган ибора замирида, авваломбор эътиборни ўқувчи ёшларга қаратиш ва уларга барча имкониятларни яратиб беришдек буюк маъсулят ётади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов айтиб ўтганидек, халқнинг, ёш авлоднинг маънавий тарбияси масаласида ханузгача кўзга кўринарли ютуқлар қўлга киритилмагани ўзгаришлар бўлмагани, бу соҳада яхлит концепция ва дастурлар янгича ёндашувга асосланган дарсликлар, ўқув қўлланмаларни яратиш ишларида оқсаб келаётгани сир эмас. Эндиликда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ бу саъйи –ҳаракатларни янада фаоллаштириш талаб этилади. Чунки халқаро андозалардаги бу ҳужжатлар тизими зиммасига дунё илм-фан ютуқларидан яхши хабардор, халқимизнинг номидан жаҳон миқёсида баралла сўз айта олувчи Ўзбекистон шаънини улуғлашга қодир фарзандларни камол топтиришдек ғоят маъсулиятли вазифа юкланмоқда.

Мустақиллик йиллари фуқаролар ҳаётида ва дунёқарашида туб бурилишлар даври бўлди. Жамиятимиз бутунлай янги қиёфа, янгича

мазмун касб этиб бормокда. Одамларнинг айниқса ёшларимизнинг турмуш-тарзи ўзгармокда. Энди ҳамма гап шу қисқа давр ичида қўлга киритилган ютуқларни асраб-авайлашда. Ҳозирги кунда эркин фуқаро маънавиятини, миллий истиқлол ғоясига содиқ, озод шахсни шакллантириш Президентимизнинг “Ўзбекистон XXI асрга интилмокда” асарида таъкидлаганидек, олдинда турган энг долзарб вазифадир. Биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган ўзининг кучи имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айти замонда шахсий манфаатларни мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак – деб таъкидлаганлари ўринлидир.

Мамлакатимизнинг академик лицей ва касб-хунар коллежларида тайёрланаётган мутахассисларни фақат касб нуқтаи-назаридан эмас, балки уларнинг дунёқарашлари маънавияти, тафаккури, мафкуравий-сиёсий етуклиги, ахлоқий баркамоллиги ва ижтимоий фаолияти жиҳатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда шакллантириш ғоят муҳим вазифадир. Бунинг учун ёш авлод тарбиясини юксак ахлоқий меёрлар асосида ташкил этиш муҳим масала бўлиб, биз, бўлажак педагоглар олдида муайян вазифалар қўйиладики, бунда ҳар биримиз ўз масъулиятимизни сезган ҳолда фаолият юритишимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч” – Т.: Маънавият”, 2008 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида, Т.: «Ўзбекитон»,2011 йил.
3. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» Т.: «Ғафур Ғулом», 1993.
4. Каримов И. А. «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» Т.: «Ўзбекистон», 1998.
5. Каримов И.А. «Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажигига ишончдир» Т.: «Ўзбекистон», 2000.
6. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни -// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон.
7. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” тўғрисида//Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ, 1997 йил.
8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар(қўлланма). Т.: «Янги аср авлоди», 2001 йил.
9. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.(дарслик) Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти», 2003 йил.
10. Ж.Туленов, К. Юсупов, З. Ғофуров. «Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари». Т.: «Ўзбекистон»,1993.
11. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.(дарслик) Т.: «Академия», 2003 йил.
12. Н.Жўраев. Ш. Азизов. «Ижтимоий асослари».Т.: «Маърифат-Мададкор», 2003.
13. А.Ғадойбоев, С. Раҳимов. «Олтин ўтда, одам меҳнатда тобланади»(савол-жавоблар).Т.: «Янги аср авлоди», 2003 йил..

14. «Тафаккур», «Мулоқот» журналларининг 2004-2010 йиллардаги нашрлари.

Интернет сайтлари

1. www.bilim.uz.
2. www.gov.uz.
3. www.press-service.uz.
4. www.philosophy.ru.
5. www.filosofiya.ru.
6. www.philosophy.nsc.ru.